
РИШТОННИНГ ҚАҲРАМОН ЎҒЛОНИ МАМАДАЛИ ТОПВОЛДИЕВ МЕМОРИАЛ МУЗЕЙИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бугун Риштон тумани Зоҳидон МФЙ ҳудудида Риштоннинг қаҳрамон ўғлони Мамадали Топволдиев хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг мемориал музейи фойдаланишга топширилди.

Унда вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари Жамшид Каримов, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят Мудофаа ва Хавфсизлик тизимлари раҳбарлари, Беларуссиядан келган меҳмонлар, унинг оила-аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, Мамадали Топволдиевнинг буюк қаҳрамонликларини фахр билан қайд этди. Вилоят раҳбари, жаҳондаги бугунги мураккаб шароитда юртимизда ҳукм сураётган тинчликни қадрлаш, осойишта ҳаёт учун шукроналик ҳар қачонгидан кўра муҳимлигига ҳам эътибор қаратди.

Мамадали Топволдиев 1938 йилда урушга бориб, Беларуссия ҳудудидаги жангларда катта қаҳрамонликлар кўрсатиб, фашистларни ларзага келтирган, ғалаба учун ўз ҳиссасини қўшган. Уни "Казбек" деб номлашган. Шу номни эшитган ҳар қандай душманнинг оёғи қалтираган.

Белорусь халқи ҳам Мамадали Топволдиевни яхши кўради ва у кишини номини абадийлаштириш мақсадида жанг бўлган қишлоқларга номини бериб, эъзозлаб келади. "Ўзбекфильм" ҳамда "Беларусьфильм" Миллий киностудияси ўртасида ҳамкорликда "Осиё арслони" номли фильмни вилоятимизда суратга олиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бугунги тадбирда, "Беларусьфильм" миллий киностудияси Бош директори Владимир Карачевский ҳамда фильмда роль олган ижодкорлар иштирок этишди. Белорусликлар номидан Мамадали Топволдиев тимсолида ўзбек халқига миннатдорчилик билдирган Владимир Карачевский, "Биз, Беларусь халқига тинч ҳаётни бахш этганларни ҳеч қачон унутмаймиз" деб таъкидлади. Бош ролни Улуғбек Қодиров ижро этаётган Мамадали Топволдиев ҳақидаги биографик драма Ўзбекистонда ва Беларусда суратга олинади ва келгуси йил 9 майда премьераси бўлиб ўтади.

Нуронийлар иштирокида рамзий тасма қирқилиб, тадбир иштирокчилари музей фаолияти билан танишдилар.

Мамадали Топволдиевнинг музейида унинг орден, медаллари, фахрий ёрлиқлар, рўзғор буюмлари, ёзишмалари, шахсий кийимлари, қуроллар, уруш ҳақидаги адабиётлар жамланган.

Музей қурилиши учун вилоят маҳаллий бюджетидан 1,5 млрд. сўм маблағ ажратилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-05-08 23:32:59